Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 25 март, шанба • № 24 (10.700) • Эркин нархда сотилади

ЭРТАГА — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 март куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси вице президенти, Германия бундестаги депутати Вилли Виммерни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг Германия ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) билан муносабатлари истиқболлари хусусида сўзлаб, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун ғоят фойдали бўлишини қайд этди.

Жаноб В. Виммер самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон заминидаги учрашувлар таассуротларга бой ва самарали бўлаётганини айтди.

Қабул маросимида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Г. Ю. Кайльхолц иштирок этди.

(ЎзА).

МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар юртбошимиз Ислом Каримовнинг қатъияти, ғайраттшижоати билан боғлиқ эканини пойтахтнинг Сирғали тумани Шукур Бурхонов номидаги маҳалла аҳли жуда яхши билади. Маҳалла ўтган йили ташкил этилганди.

Маҳалла аҳли иноқ, байрам ва турли тадбирларни ўтказишда доим фаол. Маълумки, Президент фармонига биноан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Бу хайрли иш маҳаллада ҳам яхши йўлга қўйилди. Мунтазам равишда деярли 133 оилага моддий ёрдам ажратилаётир. Ёш болали, нафақахўр кишиларга кўрсатилаётган рағбат бозор муносабатларига ўтиш шароитида одамларни ҳукумат ҳимояга олаётганидан далолатдир. Олий Мажлиснинг Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисида умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги қарори бу ерда ҳам маъқулланмоқда.

— Бугунги кунда референдумга тайёргарлик ишлари якунланди, — дейди маҳаллада жойлашган 316-сайлов участкасининг раиси А. Ҳайдаров. Овоз бериш қутиларини ҳозирлаб қўйдик. Аҳолига референдум қоғозларини тарқатиб чиқдик. Умуман олганда, эрта тонгдан референдумни байрамона тарзда кутиб олиш ниятидамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МОЛДОВА РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Молдова Республикаси Президенти М. Снегур таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 30-31 март кунлари Молдова Республикасига расмий ташриф буюради.

МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИР

Мамлакатимиз муҳим сиёсий тадбир — Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича ўтажак референдум арафасида. Хўш, бу тадбирнинг бугун ва келажакдаги аҳамияти қандай? ЎзА мухбири бир гуруҳ олим ва мутахассисларга ана шундай савол билан мурожаат қилди.

И. ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти: — Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталик ҳамда иқтисодий ва сиёсий барқарорлик республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг жуда катта меҳнати ва сиёсий тажрибасининг самараси билан боғлиқ. Бу нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки халқаро миёқсда ҳам кенг эътироф этилган. Шу қисқа давр мобайнида биз кўпгина тарихий воқеа ҳамда ҳодисаларнинг гувоҳи ва фаол иштирокчиси бўлдик. Она Ватанимиз озодлик, тенглик ва тараққиёт ўлкасига айлана бошлади.

Шу маънода, Олий Мажлиснинг Президент ваколатларини узайтириш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинди. Бу тадбир натижасида, аввало, халқ ва давлат органларининг салоҳияти мамлакатимизнинг ривожланишини таъминлайдиган долзарб манфаатларга йўналтирилади. Қолаверса, бошланган ишларни охирига етказмоқ лозим. Шу жиҳатдан Президентнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида қилган маърузасида мамлакатимизнинг яқин келажакдаги ва келгуси аср бошидаги тараққиёт йўли очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Демак, бу улуғ ниятларни амалга оширмоқ учун бошланган хайрли ишларни изчил давом эттирмоқ керак. Референдум ана шундай имкон беришига ишонаман.

•

У. МИНГБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси: — Олий Мажлиснинг мамлакат Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи юзасидан қабул қилган қарори республикамиз давлат ҳокимиятининг тизими, Конституциямизнинг 2-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Олий Кенгаш фаолият кўрсатган ўтган давр мобайнида давлат томонидан бошланган барча ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериш юзасидан талай ҳужжатлар қабул қилинди. Янги сайланган қонунчилик органи — Олий Мажлис ҳам бу фаолиятни давом эттириб, давлатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигига, мудофаамиз қудратига хизмат қиладиган янги қонунлар қабул қилиши шубҳасиз. Қонунлар устиворлигини таъминлаш, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни мусаффо, тинчликни барқарор сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш — булар янги парламент олдида турган муҳим вазифалардир.

Шу боис Президент ваколатини узайтириш масаласида референдум ўтказилиши асосий қонунимиз моҳиятига жуда мосдир.

•

Ҳ. НАБИЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг профессори: — Мустақил республикамизнинг ўтган йилига иқтисодчи нуқтаи назаридан қарасак, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг машҳур беш тамойилида шу даврнинг иқтисодий масалаларига алоҳида эътибор берилганини ва уларга оғишмай амал қилиб келинаётганини кўрамиз. Бунда иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, ислоҳотларни ўтказишда давлатнинг мавқеи, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ўтказилиши зарурлиги каби масалаларга тўғри ёндашилганини ҳаёт кўрсатиб турибди. Биз ислоҳотларни олиб боришда айрим мамлакатларда қўлланилган «фалаж қилиб даволаш» усулидан воз кечдик ва шароитимизга мос келадиган тарзда босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик. Бу ишнинг изчиллик билан амалга оширилишида Президентимиз собитқадамлик билан бош-қош бўлмоқда. Шундай экан, бундай масъулиятли даврда халқ фаровонлиги йўлида собит турган юртбошимизнинг ваколатларини 2000 йилгача узайтириш айни муддаодир. Ўйлайманки, халқимиз бу масалани тўғри тушунади ва ўз вақтида ўтажак муҳим тадбир — референдумда фаол қатнашади.

М. ОЛИМҚУЛОВА ёзиб олди.

ТАЛАБАЛАР ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШМОҚДА

Мамлакатимиз Президенти ваколатлари муддатини узайтириш юзасидан умумхалқ референдуми куни олдидан ЎзА мухбири Тошкент Давлат университети талабаларига мурожаат қилиб, бу воқеага ўз муносабатини билдиришни сўради. Сўров учун бу олий ўқув юрти танлаб олингани тасодиф эмас. Бу ерда етмиш йилдан кўпроқ вақт давомида республика учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда. ТошДУ талабалари ҳамиша ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиб, кўпгина муаммолар юзасидан ўз фикрларини очиқ-ойдин айтганлар.

— Президентимиз ваколатлари муддатини узайтириш юзасидан ўтказиладиган референдумга қўйилган саволга мен шубҳасиз ижобий жавоб бераман, — деди иқтисодиёт факультети учинчи курси талабаси Малика Холмуҳамедова. — Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида асослаб берган ислоҳотлар дастури ҳар бир кишида Ўзбекистон яқин йиллар ичида жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига чиқиб олишига ишонч ҳосил қилади. Лекин, бу дастурни амалга ошириш учун вақт зарур. Дастурни амалга оширишга уни ишлаб чиққан Президентнинг ўзи эришмаса, бунга ким муваффақ бўла олади. Шу сабабли халқимиз Ислом Каримов ўзи бошлаган ишни охирига етказишга имкон бериши керак, деб ўйлайман. Ҳозирнинг ўзидаёқ ислоҳотларнинг илк натижалари кўзга ташланмоқда. Мен иқтисодиётга жуда қизиқаман, шунинг учун ҳам шу мутахассисликни танлаганман. Олган билимларимни амалда қўллай оламан, деб умид қиламан. Республика раҳбариятининг эътибори иқтисодиётнинг айни ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга қаратилгани жуда муҳим, деб биламан. Бу сиёсатни амалий иш билан қўллаб-қувватламоқчиман. Келгусида ўзимизнинг республика учун зарур маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонамни ташкил қилмоқчиман.

— Ёшлигимдаёқ илм-фан билан шуғулланишни орзу қилар эдим, — дейди механика-математика факультетининг бешинчи курс талабаси Ойбек Акбаров. — Фан воқеликдан ажралган ҳолда яшай олмайди. У аввало иқтисодиётга ёрдам беришга мўлжалланган. Мен эҳтимоллик назариясини ва унинг турли соҳаларда қўлланилишини ўрганяпман. Диплом ишимга ҳам шу мавзуни асос қилиб олдим. Мақсад — шу интилишда давом этишдан иборат. Илмий раҳбарларим билан биргаликда олиб бораётган тадқиқотларимиз халқ хўжалигига катта наф келтиради, деб ўйлайман. Иқтисодиёт ва унинг тараққиёти Президент Ислом Каримов амалга ошираётган ислоҳотлар дастурига асос бўлганини тўғри, деб биламан.

Шу боис 26 март куни Президент ваколатлари муддатини узайтириш учун овоз беришни ўз бурчим, деб биламан.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига биноан овоз бериш 1995 йил 26 март куни эрталаб соат 7 дан кеч соат 20 гача ўтказилади.

Овоз берувчи фуқаро овоз бериш биносига келгач, участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди.

Шундан кейин унга овоз бериш учун бюллетень берилади.

Бюллетень олган овоз берувчи Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Референдумга киритилган масалани ёқлаб овоз бермоқчи бўлса, бюллетендаги савол матнини ўчирмайди ёки бюллетенни участка комиссиясидан қай ҳолда олган бўлса шундайлигича овоз бериш қутисига ташлаш билан ўз фикрини билдиради.

Қарши овоз берилганда эса бюллетендаги савол матни ўчирилади.

Айрим овоз берувчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, уларнинг илтимосига кўра участка комиссияси овоз беришни ана шу овоз берувчилар турган жойда ташкил этади.

Бюллетень қонун талабларига кўра давлат тилида ҳамда тегишли округ комиссияларининг таклифларига биноан ўзбек-рус, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-қорақалпоқ-рус тилларида тайёрланган.

ЯКДИЛЛИК

ВИЛОЯТИМИЗ аҳолиси ҳам ўзига хос ривожланиш йўлидан дадил бораётган мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий ва муҳим тадбирга кўтаринки кайфият билан келди. Улар мамлакат Президенти ва ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга ўз садоқатини билдирмоқдалар. Бу ҳар куни таҳририятимизга келаётган хатлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда ўтган йиғилишлар тўғрисидаги ахборотларда, бўлаётган кўнгироқларда ўз аксини топмоқда.

Бу мактубларда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан Республика Олий Мажлиси қарори якдиллик билан маъқулланганлиги, бу ҳужжат халқимиз манфаатларини кўзлаб қабул қилинганлиги, умумхалқ референдумининг моҳиятини кишилар тўғри тушунаётганликлари баён этилгани ҳолда, референдумда меҳнаткашлар фаол иштирок этажакларини изҳор қилганлар.

— Мен Олий Мажлис сессияси ишини кузатиб, юртбошимиз маърузасини диққат билан эшитиб, рости, жуда тўлқинландим,— деб ёзади Оққўрғон ширкатлар бирлашмасининг бригада бошлиғи Бектўра Жумаев,— Олий Мажлис эртанги кунимиз тақдирини ўйлаб Президентимиз ваколатини узайтириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақида жуда тўғри қарор қабул қилди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, барқарорлик, катта ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда Президент ваколатини узайтириш энг тўғри йўлдир.

— Илгарилари «мулкнинг эгаси бўл», «хоҳласанг фермер бўл», «Истасанг дўконни сотиб ол», деган гаплар йўқ эди. Бой одам халқ кўзига ёмон қилиб кўрсатиларди. Эндиликда инсонга эркинлик яратиб берилди,— дейди ўз хатида Тошкент абразив заводининг ишчиси Баҳодир Собиржонов,— Минг шукрлар бўлсинким, ҳукуматимиз раҳбарлари саъй-ҳаракати билан шундай имкониятларга эга бўлганлигимизнинг ўзи инқилоб эмасми?! Шунинг учун ҳам бу ишларга бош-қош бўлаётган Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш ҳақидаги умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги ахборотни матбуотда ўқиган кунимданоқ тўғри иш бўлибди, деб кўнглимдан ўтказганман. Мустақил мамлакатимиз равнақи учун бу зарур эди.

— Сўнгги йилларда корхонамизда иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатди,— деб ёзади Янгиободдаги Дукент асбобсозлик заводи ишчиси В. П. Панков,— Зеро мустақиллик йилларида заводда янги технологиялар ўрнатилди. Халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу — ҳаммаси ислоҳот, оқилона сиёсат шарофатидир. Шунинг учун ҳам биз — ишчилар йиғилишда Президентимиз ваколатини узайтириш тўғрисидаги Олий Мажлис қарорини астойдил қўллаб-қувватладик.

Таҳририятимизга Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари, вилоятимизнинг барча туманлари меҳнаткашларидан ҳам ана шу мазмундаги хатлар, мурожаатномалар ҳамон келиб турибди. Уларда республикамиздаги ички ва ташқи сиёсатга садоқат руҳи мужассам. Бу мактублар Олий Мажлис қарори билан меҳнаткашлар хоҳиш-иродалари якдиллиги, улар умумхалқ референдумида фаол иштирок этиш истагида эканликларининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Референдумида овоз бериш учун

БЮЛЛЕТЕНЬ

1995 йил 26 март

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Референдумида овоз бериш учун

БЮЛЛЕТЕНЬ

для голосования на Референдуме Республики Узбекистан

1995 йил 26 март **26 марта 1995 года**

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

«Согласны ли вы продлить срок полномочий Президента Республики Узбекистан с 1997 до 2000 года?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади.

При голосовании против текст вопроса зачеркивается.

ЭРТАГА — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ

ХАЛҚИМИЗ ҲОҲИШ - ИРОДАСИНИНГ РАМЗИ

ХАЙРЛИ ИШЛАР МУҚАДДИМАСИ

Президент Ислом Каримовнинг илк фармони эълон қилинганига яқинда беш йил тўлади. Эсланг, у нима ҳақда эди?

... Ўша куни — 25 мартда газеталар одатдагидек расмий материалларга тўлиб чиқди. Биринчи саҳифада Ислом Каримовнинг минбарда тушган сурати: у Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сифатида қасамёд қилмоқда. Пастрокда — унинг Олий Кенгаш сессиясида Президент сифатида сўзлаган илк нутқи. Ҳамма ўзини газета дўконларига урган — Президентнинг нутқини ўқимоқда, ундан ўзича хулосалар чиқармоқда тиришган. Деярли барчанинг тилида бир савол — «Энди бу ёғи нима бўлади?». Сабабки, СССР деб аталмиш империя ҳали мустаҳкам, ҳали «марказ»нинг ҳам кўп ишларда қўли баланд. Унга ўзбекларнинг бу «ўзбошимчалиги» ёқмаслиги табиий. Айримлар шуларни ўйлаб ташвишда бўлса-да, кўпчилик хурсанд — «Энди ўз Президентимиз бор!..» Президентлик уларга ўшанда ҳам республика мустақиллигининг тимсоли бўлиб кўринган бўлса, не ажаб.

Ўша кунлари кўпчилик Ўзбекистоннинг илк Президенти ҳақидаги хабарлар билан бўлиб, бошқа бир воқеани деярли сезмади: СССРнинг биринчи (кейин билсакки, охирги) Президенти Михаил Горбачёвнинг илк фармонлари ҳам матбуотда эълон қилинган эди.

— Горбачёвнинг шу иши менга умуман ёқмади, — деди ҳамкасбларимдан бири. — Биринчи фармони — Президент кенгашини тузиш ҳақида бўлибди. Ахир бу янги Политбюро дегани-ку! Бунча майдалашмаса, бу Миша амаки.

— Энди Ислом Каримов нима қиларкан? — деди бошқа ҳамкасбимиз. — Унинг дастлабки фармонлари нима ҳақда бўларкан?

— Нима ҳақда бўлишини билмайману, лекин Ислом Каримов Президент сифатидаги биринчи қадамини савобли ишдан бошлаши аниқ. Мана кўрасизлар.

Журналист дўстимизнинг кўнглидаги бу комил ишонч қаердан пайдо бўлди, ҳозир аниқ айтолмайман. Балки, И. Каримов 1989 йилнинг ёзида Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида юртимизда бошланган хайрли ишлар — қишлоқ аҳлига томорқа учун ер ажратилиши, «оқ олтин» якка ҳокимлигига чек қўйиш учун ташланган илк қадамлар, ўқувчи ва талабаларнинг пахта теримидан озод қилиниши — уни шундай дейишга ундагандир. Балки, у И. Каримовнинг Президент сифатидаги илк нутқини ўқиб, шунчалик дадил гапиргандир. Мана ўша тарихий нутқдан айрим сатрлар: «Ўзбекистон Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларим нималардан иборат деб биламан?

1. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ҳаётий мазмун билан бойитиш.

2. ...Республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўз-ўзини идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишини амалга ошириш.

3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг барча табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш...

4. Президент фаолиятининг... муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилидир...».

Буларни эса «миллий-ижтимоий тараққиёт йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин».

Ва Ислом Каримов барча соғлом кучларни ўз вақтида бирлаштирди. Мамлакатимизни таҳдид солиб турган фуқаролар низосидан сақлаб қолди. Уни дунёнинг энг тинч ва осойишта мамлакатларидан бирига айлантирди.

Бугун — орадан беш йил ўтгач, ўша тарихий кунда Президент улусга ваъда бериб айтган ва ният қилган ишларнинг деярли барчаси амалга ошганлигини ва ошаётганлигига гувоҳ бўлиб, турибмиз.

Халқда, ниятингга яраша бўласан. Улуғ инсонни эса улуғ орзулар рўёбга чиқаради, деган ибратли калом бор.

Ўзбекистон Президентининг илк фармонлари ҳам ана шундай — Улуғ орзулар йўлидаги биринчи қадамлар бўлди.

...Ҳамкасб журналистларнинг ўзаро суҳбатидан сўнг кўп ўтмади — 1990 йилнинг 4 майида Ислом Каримовнинг илк бор фармонлари матбуот юзини кўрди ва, не тонгки, қаламкаш дўстимиз ҳақ бўлиб чиқди. Ўзбекистон Президентининг илк фармонлари, ҳақиқатан ҳам, савобли ишлар ҳақида эди. Уларнинг биринчиси «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» бўлса, иккинчиси яқиндагина ўтган «Наврўз» байрами якунларига бағишланган эди.

Энг болажон, энг оилапарвар халқнинг Президенти бошқача йўл тутиши мумкинмиди! Ўшанда И. Каримов ўзининг илк фармони билан серфарзанд оналарга берилаётган нафақа миқдорини бир йўла икки баравар оширди. Бундай қадам балки бугун, Ватанимиз ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришгач, унчалик дадил иш бўлиб туюлмас. Аммо, ҳали марказ зуғуми баланд бўлган ўша кунларни эсласак, ўзбек аёлларига «ўзбошимчалик» билан кўрсатилган бундай ғамхўрлик республика раҳбарига жуда қимматга тушиши мумкин эди. Аммо ўзинг дадил ва ишингга пишиқ бўлсанг, рақибинг ҳам ҳурматингни жойига қўйишга мажбур.

Умуман камхарж оилалар, етим-есирлар, пенсионеру ногиронлар — нуфуснинг кўмакка муҳтож қисми — кучли ижтимоий ҳимоя кейинчалик ҳам Президентнинг доимий диққат марказида бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилаб берган машҳур беш тамойилдан бири шу муаммога бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Зотан, мамлакатимизнинг илк нишонларидан бири ҳам «Соғлом авлод учун» ордени деб аталди.

Баҳор келинчаги — «Наврўз» оламга сепини ёйган бугунги шодиёна кунларда Президентимизнинг иккинчи рақамли фармонини эсламаслик — адолатсизлик. Ахир куни кеча эмасмиди, «Наврўз»нинг диний байрам, бидъат деб аталгани, таъқиқлангани. Сумалак тўла қозонлар ағдарилиб, «Наврўз»га бағишланган асарлар кутубхоналардан териб олингани, муаллифлари «хатга тушгани». Бундан олти-етти йил бурун «Наврўз» бугунгидек умумхалқ байрамига айланишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Бироқ, шукрки, бугун шундай. Нафақат мол-мулк, маош, маблағу хомашё, ҳатто байрам ҳам «марказ»дан белгилаб бериладиган замонларда унинг юртбошимиз томонидан расман умумхалқ байрами деб эълон этилиб, дам олиш куни сифатида белгиланиши — барчамиз фахрланса арзийдиган иш. Энди юртимизда кечаётган шодиёналарни кўриб, ўйлайсан киши: ахир «Наврўз»ни фақат ўзбекларнинг эмас, сал кам юз эллик миллатнинг — бутун Ўзбекистон халқининг қутлуғ байрамига айлантирса бўларкан-ку! «Наврўз» баҳона шунча халқни бирлаштириш, дўстлаштириш, иноқлаштириш, уларга чексиз қувончу шодлик бахш этиш мумкин экан-ку. Юртнинг ёшу қарисини, эркагу аёлини покликка, ҳалолликка, меҳр-мурувватли, адолатли, шафқатли бўлишга чорлаб, уларнинг дуосини олиш мумкин экан-ку! Ҳа, мумкин! Фақат элнинг бошида дадил ва омилкор раҳбар турса!..

Йиллар ўтади. Муаррихлар биз яшаётган ушбу мураккаб даврни синчиклаб ўрганадилар. Турли баҳс-мунозаралар бўлади. Аммо улар бир фикр бобида якдил бўладилар:

Ислом Каримов ўзининг Президентлик фаолиятини яхши ният билан жуда хайрли ишлардан бошлади ва шу йўлда собит қолди.

Қулман ОЧИП.
(ЎзА).

Суратларда: (чапда) Паркент туманидаги 16-участка комиссияси аъзолари овоз берувчиларни кутиб олишга шайлар; Чирчиқ шаҳри маданият саройида жойлашган 22-участкада ҳам референдумни ўтказишига пухта хозирлик кўрилди.

Р.НУРИДДИНОВ. (ЎзА) олган суратлар.

ИШТИЁҚ БИЛАН КУТИШМОҚДА

Тошкент вилояти меҳнаткашлари республика Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорларини маъқулламоқдалар. Шу муносабат билан меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

Умумхалқ референдуми арафасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари байрамона тус олди. Тузилган 804 овоз бериш участкасининг ҳаммаси муҳим сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга тайёр.

Шу кунларда Паркент туманида тузилган 39 та участкада ҳам умумхалқ сўровига тайёргарлиқ ишлари ниҳоясига етди. Ўтган йилни кўпгина соҳаларда муваффақиятли якунлаган паркентликлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол қатнашаётир.

— Биз умумхалқ референдумида тумандошларимизнинг тўлиқ қатнашишлари учун барча тадбирларни кўрдик, — дейди референдумни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи раиси ўринбосари, туман ҳокимининг ўринбосари М. Акромов. — Хусусан, 1-ўрта мактабда жойлашган 16-овоз бериш участкасида, туман маданият уйидаги 26-участкада овоз берувчилар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган.

Жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ислоҳотлар йўлидан ҳеч қандай бухронларсиз, босқичма-босқич дадил одимланаётгани, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётгани ва бу тарихий жараён бошида юртбошимиз Ислом Каримов тургани паркентликларга кундек равшан. Туман аҳли фуқаролик бурчларини сидқидилдан адо этиш баробарида Президент юритаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлашларини изҳор этиш учун умумхалқ сўрови кунини иштиёқ билан кутишмоқда.

Н. ДУШАЕВ.

БИЗ УЛАРНИ АРДОҚЛАЙМИЗ

Бекобод тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, уруш қатнашчиси Ҳ. ДЕҲҚОНОВ билан суҳбат

— 1941 — 1945 йилларда уч мингга яқин бекободликлар уруш жанггоҳларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганди. Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан уларнинг тақдирини аниқлаш бўйича жамоатчилик кучи билан катта иш қилинди. Кўп излаш ва сўровлардан сўнг 2150 киши қаерда жанг қилиб, Ватан озодлиги учун қаерда қурбон бўлганлиги, дафн этилганлиги ёки бошқа тақдири маълум бўлди. Ана шу марҳумлар вилоят Хотира китобига киритилди. Бу китоб Ғалаба байрами арафасида тайёр бўлади. Уни биз тумандаги оилаларга тарқатамиз ва ардоқлаб сақлаймиз. Қолган ҳамюртларимизнинг тақдирини аниқлаш иши ҳали давом этмоқда.

Урушда ҳалок бўлганларнинг номларини абадийлаштириш юзасидан туман хўжаликларида бирмунча ишлар қилинмоқда. «Далварзин», «Ғалаба» жамоа хўжаликларида, туман маркази Зафар қўрғонида Ватан халоскорларига эҳтиром рамзи сифатида ёдгорликлар ўрнатилди. Шундай ёдгорликларни бунёд этиш «Хос» ва Навоий номли жамоа хўжаликларида жадал олиб борилмоқда. Бу ёдгорликлар Ғалаба байрами кунида очилиши мўлжалланмоқда.

Урушда ҳалок бўлганларнинг эл-юрт олдидаги хизматларини муносиб баҳолаган ҳолда яна бошқа бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. «Деҳқонобод» жамоа хўжалигидаги мактабларга Сотиболди Жиянов ва фронтда ҳалок бўлган собиқ райком котиби Мингбой Мавлонов номи берилди. 1-мактаб уруш қатнашчиси, шу мактабнинг собиқ директори Ҳамдам Умаров, 2-мактаб эса бекободликларнинг катта меҳр-муҳаббатини қозонган марҳум Исмоил Сотиболдиев номи билан аталмоқда. Сретенко қишлоғининг марказий кўчаларидан бирига Шуҳрат орденининг тўла кавалери, марҳум Сангин Почаумаров номи берилди.

Ҳозир туманимиз ҳудудида 400 нафардан ортиқ уруш қатнашчилари истиқомат қилмоқда. Шулардан 38 киши биринчи гуруҳ ногирони, 213 киши иккинчи гуруҳ ногирони ҳисобланади. Улар республика Президенти ва Ўзбекистон ҳукумати кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлардан миннатдордирлар. Уруш қатнашчиларининг кўплари ҳозир етмиш ёшдан ошган табаррук инсонлардир. Уларнинг иззати ва ҳурматини жойига қўйиш, ҳол-аҳволидан хабар олиш, беморларини даволаш ва уларга моддий, маънавий ёрдамни сира аямаслик борасида давлатимиз ўтказаётган ижтимоий сиёсат бизни мамнун этади. 1941-1945 йилларнинг оғир ва машаққатли дамларида кечаю кундуз оч-наҳор ишлаб, «Ҳамма нарса фронт учун!» деб ғалабага жуда катта ҳисса қўшган 2 мингга яқин бекободлик Президентимизнинг ўтган йил 6 майдаги Фармонига асосан 30 фоиз қўшимча нафақа олмоқда. Уруш даврининг ҳамма азобуқубатларини бошдан кечирган, ҳозир барчанинг ҳурмат-эҳтиромига муносиб кекса авлод вакиллари истиқлол туфайли юртимиз эришаётган ютуқларни ўз кўзлари билан кўриб, шукроналар айтмоқдалар. Фахрийлар ҳукуматимиз юргизаётган ички ва ташқи сиёсатни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

ВАТАННИ СЕВМОҚ — ИЙМОНДАНДИР

ЧИНДАН ҳам замини олтинга тенг, халқи беқиёс меҳнаткаш, саховатли, бағри кенг она юртимга меҳрим чексиз. Бу туйғуни менга ҳали болалигимдаёқ ота-онам, ўқитувчиларим сингдиришган. Очиғи, Ўзбекистонда туғилганим, шу ерда яшаётганимдан дил-дилдан фахрланаман. Зеро, Ватанни севмоқ-иймондандир, деган иборада катта ҳикмат бор.

Ёдимда бор, хорижда сафарда бўлиб қайтаётган бир йигитни телевизорда кўрсатишган. У она-юртимиз чегарасига қадам босиши билан энгашиб қайта-қайта ерни ўпди. Бу унинг диёримизга муҳаббати рамзи эди. Биз эндиликда тупроғи табаррук мустақил юрт ёшларимиз. Ўз мамлакатимизда истиқлол берган эрк, ҳурриятни ардоқлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун шунга муносиб йигит-қизлар бўлиб етишишимиз керак. Президентимизнинг Республика Олий Мажлиси сессиясида сўзлаган маърузаларини курсдошларим билан синчиклаб ўқиб чиқдик. Ёшларга катта ишонч, олий таълимни такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш, инсон қадриятларига, маънавиятга чуқур ҳурмат руҳи билан йўғрилган бу маъруза зиммамизга улкан масъулият юклаганлигини дил-дилдан ҳис этяпмиз.

Айни пайтда биз ҳали маънавият, илм олиш борасида зиммамизда янада улкан вазифалар турганлигини билиб олдик.

Бу вазифалар бизни янада рухлантирмоқда, билим сирларини пухта эгаллашга даъват этмоқда.

Ш. БОЗОРОВА,
ТошДУ талабаси.

ҒАМХЎРЛИК — ИНСОНПАРВАРЛИК ДЕМАК

КЕЙИНГИ йиллар мобайнида республикамизда ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг кўлами беқиёсдир. Буни биргина бизнинг Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бўлим ҳозирги пайтда 11,9 минг пенсия ва нафақа олувчига хизмат кўрсатиб келмоқда. Булар орасида уруш ногиронлари, иштирокчилари, урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласи, Чернобиль фожиаси қатнашчилари бор.

Албатта, уларнинг кўпчилигига йўл топиб, давлат қонуний асосда ажратган маблағни ҳар бирига ўз вақтида етказиб бериш учун мустақиллик йиллари мобайнида алоҳида масъулият ҳис этиб ишладик. 1992 йил сентябридан 1994 йил декабригача пенсиялар миқдорининг 14 марта ошиши муносабати билан унга дахлдор ҳужжатлар неча бор қайта кўриб чиқилди.

Иш жараёнида, салгина бўлсада, нохушлик бўлмаслиги учун бўлимимизда хизмат қилаётган 49 ходимнинг навбатма-навбат малака оширишига эътибор берилди. Айни пайтда ижтимоий таъминот хизматчилари — маҳаллалар, корхона, ташкилотларга бориб аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Фуқароларнинг манфаатларини кўзда тутиб, ўриндошлик билан ишлаган жойлари ёки илгари яна қайсидир ташкилотларда меҳнат қилган бўлсалар ижтимоий таъминот бўлимига маълумотномалар олиб келишлари, бу эса пенсияларининг кўпайишида муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Республикада хизмат кўрсатган ижтимоий таъминот ходими, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимини бир неча йиллар бошқарган Х. Шакуров, ташкилотчи ходимлар Р. Когай, Р. Ким каби жонкуярлар бу ишларда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Ходимлар ва жамоатчи ёрдамчилар кўмагида ишлаб орттирилган тажриба туфайли фаолиятимизни янгича услубда ташкил эта олдик.

Шаҳардаги 110 корхона, муассаса, ташкилотлар билан алоқамиз мустаҳкам. Улар билан ҳамкорликда пенсионерларга курорт, дам олиш уйларида саломатликларини мустаҳкамлаш учун йўлланмалар ажратяпмиз. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон металлургия заводи, ёғоч-савдо базаси, Бекобод савдо бўлими, «Сарбон» автокорхонаси, автобус таксопарки бизга яқиндан ёрдам бердилар.

Хуллас, шаҳар ижтимоий таъминот бўлими хизматчилари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида республикамизда истиқлол туфайли кучга кирган, лекин, ҳали мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи биронта мамлакатда бўлмаган, инсонга ғамхўрлик руҳи билан суғорилган қонунлар асосида фаолият кўрсатишмоқда. Бундай ғамхўрликдан эса фуқаролар мамнун бўлишмоқда. Зеро, ғамхўрлик-инсонпарварлик тушунчаси эканлигини яхши биламиз.

А. ДИГАЙ,
Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг мудири.

МОҲИЯТИНИ ТУШУНТИРИБ БЕРДИЛАР

ИШЛАБ чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасаларда республика Олий Мажлиси сессияси материалларини чуқур ўрганишга киришилди. Бунда республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳи алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Икром Жамилов, Тошкент халқаро иқтисодиёт институти профессори Холида Зиёвутдинова, Тошкент техника институти профессори, фалсафа фанлари доктори Малик Орипов, Тошкент маданият институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори Абдуҳалил Маърупов, Тошкент автомобиль йўллари институти доценти, филология фанлари номзоди Шарофат Қамбарова, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими Мушарраф Қосимова каби қатор мутахассис олимлардан ташкил топган бу гуруҳ вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида бўлиб суҳбатлар ўтказмоқдалар. Президентимиз И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг I сессиясида қилган маърузаси мазмунини аҳолига чуқур тушунтириб бермоқдалар.

Хусусан, тарғиботчилар Тошкент, Янгийўл, Чиноз, Бўка, Оққўрғон, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Оҳангарон туманлари, Олмалиқ шаҳрида шундай мулоқотларни ташкил этдилар. Олимлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўладилар.

Бу ҳудудларда Президентимиз маърузаси тафсилотлари билан биргаликда умумхалқ референдумининг моҳиятини ҳам меҳнаткашларга атрофлича тушунтириб бердилар. Бундан буён улар Олий Мажлис сессияси материалларини мукаммал ўрганиб бориш учун тавсияномалар тайёрлашда кўмаклашадилар.

А. ТУРСУНМАТОВ,
Республика халқ таълими аълочиси.

БУ КУН БАЙРАМ БЎЛҒУСИ

Республика Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича ўтказиладиган умумхалқ референдумига Тошкент вилоятидаги Келес шаҳрида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Наврўз байрамига бағишланган маросимларда ҳам асосий мавзу умумхалқ референдуми ҳақида бўлди, — дейди Келес шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалла оқсоқоли Мухтор ота Умаров. — Ахир, мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим сиёсий воқеага бефарқ қараб бўладими. Эндиликда халқ ўзини ҳокимият манбаи эканини англаб олди. Қолаверса, одамлар Ўзбекистон тўғри йўлдан кетаётганини тушуниб етди. Имон-эътиқод билан айтиш мумкинки, бу йўлнинг бошида ютбошимиз турибди. Биз истиқболга элтадиган режаларни тўла амалга ошиши учун Президентимиз ваколатини узайтириш энг мақбул йўл эканини яхши биламиз. Шаҳардаги барча сайлов участкаларидан шу кунларда кишилар қадами узилмаётир. Аҳоли рўйхатдан тўла ўтказилиб, уларнинг овоз беришлари учун қулайлик яратилди. Ислом Каримовнинг маърузалари чоп этилган китоб ва бошқа сиёсий адабиётлар овоз берувчилар учун қўл келмоқда. Хуллас, келесликлар 26 март куни Ўзбекистон референдумида фаол иштирок этишга шай. Бу қутлуғ кун биз учун яна бир байрам бўлғусидир.

П.НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: референдумга сўнгги тайёргарлик кўрилмоқда

А.РИҚСИЕВ (ЎзА) суратлари.

БОШҚАЛАР БИЗГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

УМУМАН аёллар ёшини айтишни унча хуш кўришмайди. Лекин, бугун мен ана шу удумдан қайтаман. Мен асли рус қизи бўлсам ҳам ўзбек заминида туғилиб, балоғатга етдим. Ўзбек бўлиб кетдим, десам муболаға бўлмайди. Ҳаётим давомида масъул лавозимларда ишладим. Бўстонлиқ ва Қибрай туманларидаги қатор хўжаликларда раҳбарлик қилдим. Мана, ёшим етмишдан ҳам ошиб қолди. Ўз ҳаётим давомида иймон келтирган фазилатлар тўғрисида бугун мен сўз юритмоқчиман...

Кўпинча «тинчлик», «осойишталик», «иноқлик» деган сўзларни тилга оламиз. Лекин, ҳамиша ҳам уларнинг замирида ётган улуғвор маънони, ҳикмату ҳидоятларни ўйлаб кўрмаймиз. Мен ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар орасида кўп бўлганман. Миллатлар ўртасидаги тотувликни вужудга келтириш шунчаки осон иш эмас. Мана, сўнгги йилларда қўшни давлатларда, ер шарининг бошқа ерларидаги «оловли нуқталар»дан ҳаммамиз бохабармиз.

Оллоҳга минг қатла шукрким, Президентимиз И.А.Каримовнинг оқилона ва чуқур ўйлаб амалга ошираётган сиёсати туфайли бизнинг юртимизда тинчлик, осойишталик, иноқлик энди том маъно кашф этиб, барқарор бўлиб қолди. Бу тилдагина эмас, амалда шундай бўлди. Буни айрим фуқароларгина эмас, балки, кўпгина хорижий мамлакатлар ҳам тан олмоқда.

Баъзан меҳмонга келган қариндош-уруғлар ёҳуд меҳмонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб қоламан. Ўшанда улар бизнинг мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликка ҳавас қилишаётганлигини чин дилдан эътироф этишади. «Биз сизларга ҳақиқатан ҳам ҳавас қиламиз», - дейишади улар. Худони ўртага солиб айтадиган бўлсам, бундай осойишталик соҳиблари - бизнинг Президентимиз ва ҳукуматимиздир. Қўлимни кўксимга қўйиб, бундай ҳаёт яратаётганликлари учун уларга ташаккурлар айтаман. Кўз тегмасин, ижтимоий барқарорлик шу йўсинда давом этаверса, ҳадемай бизнинг Ўзбекистонга бутун жаҳон ҳавас қилажак. Мен шундай кунлар келишига ишонаман.

М.ПУГАЧЕВА,
фахрий нафақадор.

1945 1995

Ғалабанинг 50 йиллиги

ЎЗБЕК САРКАРДАСИ

Фашизмга қарши уруш тарихида ўзбек халқининг содиқ фарзанди генерал-майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Умарович Раҳимов сезиларли из қолдирган. Буни II жаҳон урушининг машҳур саркардалари ҳам, ўзбек генерали билан бирга унинг қўл остида жанг қилган командирлар ҳам ҳали ҳануз эслашади. Ана шулардан бири Собир Раҳимовнинг қуролдоши янгиободлик уруш фахрийси катта лейтенант Петр Аникин қуйидагиларни хотирлайди:

— Жанубий-ғарбий фронт учун энг оғир пайтларда (1942 йил) Собир Раҳимов 395-ўқчи дивизия қўшинларига қўмондонлик қилишни ўз зиммасига олди.

Бу дивизия душман таъқиби остида чекинар, тоғлиқ жойларда, сувдан кечув ерларида, ўрмонларда оғир мудофаа жанглари олиб борарди. Командирнинг юксак шаҳсий қўмондонлик хислатлари туфайли ҳар қандай оғир вазият вужудга келмасин дивизия ўзининг жанговар лаёқатини сақлаб келарди.

Полк командирлари ҳам дивизия командирига муносиб мард кишилар эди. Улардан бири бизнинг 723 ўқчи полк командири майор Легкий эди. У 1942 йил ноябрь ойида Гойтх тоғ тепалигидаги оғир жангларда ҳалок бўлган эди.

С.Раҳимов юксак талабчанлиги, қаттиқ интизоми билан ажралиб турарди. Ҳатти-ҳаракатларида ва қарорлар қабул қилишида доимо хушёрлик ва босиқликни сезиш мумкин эди. У рахбарларга хушомад қилишни, уларнинг кайфиятига қараб иш юритишни сира ёктирмасди. Менинг полкдошларимнинг фикрига кўра, командирнинг характеридаги айни ана шу ҳислатлар дивизияни бир неча бор у армиядан бу армия ихтиёрига топширилаверишига сабаб бўлган. Бу эса юриш қийин бўлган ва тинкани қуритадиган жанглар давом этаётган шароитда қўшинларнинг жойини ўзгартиришга олиб келиб, қисмларнинг шахсий таркиби учун қўшимча ташвиш туғдирарди.

Генерал Раҳимов полкларнинг маневр қилинишини, уларнинг ҳужумларини ва қарши ҳужумларини ишнинг кўзини билиб режалаштирар ва амалга оширарди. Масалан, 1942 йил август ойининг иккинчи ярмида дивизия чекина бориб Кубань дарёсидан кечиб ўтгач, 723-полк кучлари ёрдамида шиддатли атака бошлаб, қўққисдан душманга кучли зарба берди. Натижада душман деярли икки ҳафта жойидан қўзғалолмай қолди. Ёки яна бошқа бир мисол. 1942 йил сентябрь ойи ўрталарида Туапсе йўналишида бостириб келаётган душманга қарши ҳужум уюштирилди ва у 395-дивизия полклари кучи билан тўхтатилди, сўнг

бир неча кун мобайнида резервларни йиғиш имкони туғилди. Сентябрнинг сўнгги кунлари душман кучли артиллерия тайёргарлигидан сўнг пиёдаларнинг иккита янги полки ёрдамида биз мудофаани ушлаб турган жойда ҳужумга ўтди, ҳаводан бомба зарбалари ҳам бера бошлади. Жанг узоқ давом этди, шундан сўнг душман катта талофат кўриб, аввалги марраларига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Дивизия жанговар ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Генерал Раҳимов одатда энг оғир жойда пайдо бўларди, бу унинг шахсан ўта жасур одам эканлигидан далолат беради.

Генарал одамийлигини кўрсатувчи бир кичик мисол: жанг ёки бирор муҳим операция муваффақиятли тугагандан сўнг Собир Раҳимов табассум ила қуролдошларига дерди: «Раҳмат. Урушни тугатайлик, ҳаммангизни Тошкентга таклиф этиб палов билан сийлайман».

Афсуски она юртига қайтиш, ғалаба байрами нашидасини суриш унга насиб этмаган экан. Буюк ғалабага 43 кун қолганда, у Польшанинг денгиз соҳилидаги Данциг шаҳри учун бўлган жангларда 1945 йил 25 март куни оғир жароҳатдан ҳалок бўлди.

Қаҳрамонлар халқ қалбида мангу яшайди.

С.МУСАЕВ.

Ўлкамизда Наврўз кезмоқда

ҚЎШ ҚУВОНЧ

ШУ КУНИ одамлар дилдан қувнаб яйрадилар, чарчоқларини ёздилар. Дунёга янги келгандек бўлдилар. Деҳқон Турдиали Йўлчиевнинг эса омади чопиб, қувончи устига қувонч қўшилди. Наврўз тантанаси куни хўжалик томонидан ташкил этилган ички лотерея ўйналганида энг катта ютуқ — гилам Турдиалига насиб этди. Зангиота туманидаги кўп миллатли «Бўзсув» жамоа хўжалигида Наврўз байрами ҳар жиҳатдан мароқли ва мазмунли ўтди. Ҳамма бу тантаналарда қатнашиб, турли томоша-ўйинларни кўришди. Томошалар хилма хил ва мазмунли бўлди. Қозоқлар, ўзбеклар, корейслар, қўйинг-чи, ҳар бир миллат вакиллари санъат соҳасидагина эмас, миллий урф-одатларини намойиш этишди ва пазандаликдаги маҳоратларини ҳам кўрсатишди.

Маълумки, уруғчиликка ихтисослашган бу хўжаликнинг деҳқон (фермер) уюшмасига айланганига ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин, бошқарувдаги бу янгилик деҳқонларнинг, боғбонларнинг, чорвадорларнинг юриш-туришида, меҳнатларида яҳши аломатлар билан зоҳир бўлганлигини ҳозирнинг ўзидаёқ билиб олиш мумкин эди. Ҳар бир фермер уюшмаси ўзи учун алоҳида жой тайёрлаб, дастурхон тузаб, ўз жамоаси аҳлини меҳмон қилди, совға-саломлар улашди.

Кечга томон Наврўзга қайси фермер уюшмаси қандай тайёргарлик кўрганлиги синчков ҳакамлар томонидан ўрганилиб, ғолиблар аниқланди, уларга мукофотлар топширилди.

Умуман катта йўл ёқасидаги кенг сайҳонликда ўтказилган Наврўз байрами тантаналари қишлоқ аҳлида катта таассурот қолдирди.

БИР ЛУҚМА ОШ БАҲОНА

КЎНҒИЛ кўнгилдан сув ичади. Одам одам билан тирик, дейдилар. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аҳли ўзларининг тумандаги яқин ёр-дўст, биродарлари, қариндош-уруғлари билан дийдорлашиш, суҳбатлашиш мақсадида катта дошқозонларда ош дамлаб, Наврўз куни эрта наҳорга уларни таклиф этдилар. Тумандан келган ҳамда хўжаликнинг ўзидаги ҳаваскор санъаткорлар эрта тонгданоқ хониш қилиб турдилар. Уларнинг серзавқ мумтоз ашулалари ошга ташриф буюраётганларга олам-олам завқ бағишлади.

— Бир кун олдин, — деди жамоа хўжалиги раиси Равшан Жўраев, — фаолларимиз билан биргаликда 42 та хонадонни айланиб чиқдик. Бизнинг аниқлашимизча, улар бошқаларга қараганда бироз ночорроқ турмуш кечиришар эди. Уларга баҳоли-қудрат совға-саломлар улашдик. Қутладик, кўнгилларини сўрадик. Шу баҳона кўпгина хонадонлар, қишлоқ кўчаларини айланиб, хурсанд бўлдик. Одамларимиз Наврўзни ҳар жиҳатдан тайёрланиб кутиб олганликларига ишонч ҳосил қилдик. Кўча-куйлар, хонадонлар ораста. Кўчатлар ўтқазилган, дарахтлар оқланган. Наврўзнинг шарофати бу! Одамларимизнинг бир-бирларига бўлган ҳурмат, меҳр-оқибатлари натижаси эди бу!

— Деҳқон ер билан тирик, ер уни тўйдиради, деҳқон эса элни тўйдиради. Мустақиллик туфайли ерга эгалик қилаётган деҳқонларимиз Наврўз арафасида далаларни яна ҳам яшнатиб юбордилар, — деди хўжаликнинг бош ҳисилоти Дадақўзи Каримов. — 392 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Эртаги экинлар барвақт экилди, ўзини тутиб олди. Яқин кунларда эл дастурхонига ғалабаворлар етказиб берамиз.

Наврўз байрамининг эртасига эса янги куч, қувват олган деҳқонларимиз зўр умид, катта иштиёқ билан далага отландилар.

Н. РИҲСИЕВ.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

БАЛИҚ БОШИДАН САСИЙДИМИ?

БИЗ оға-инилар ўртасида, опа-сингиллар ўртасида жанжал чиқса, одатда, ҳайрон бўламиз. Нимани талашади? Отасидан қолган молни талашяптими?.. Жанжалнинг сабабини билсак борми, дарров бир тарафнинг ёнини оламиз: акаси ҳақ ёки опаси ҳақ, деймиз. Жанжал эса давом этаверади.

Гапнинг пўст калласини айтганда, НАТОга аъзо бўлган давлатлар ҳам оға-инидек, опа-сингилдек бўлиб қолишган. Лекин, улар ўртасида ҳам жанжал чиқиб туради. Масалан, кейинги ҳафта мобайнида НАТОга аъзо бўлган Канада билан Испания ўртасида «балиқ жанжали» чиқиб қолди. Эҳтимол, тошкентликларга ғалати туюлиши мумкин-у, лекин, дунё океанлари аллақачон давлатлар ўртасида тузилган шартномага кўра тақсимлаб олинган. Бу шартнома, тахминан, Сирдарёнинг нариги соҳили Бекободса, бериги соҳили Бўкага қарайди, дегандай бир гап. Бироқ, Бекобод ҳам, Бўка ҳам Тошкент вилоятига қарайди. Устига устак, Сирдарёнинг нариги соҳилидаги балиқ билан бериги соҳилидаги балиқ деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Аксига олиб, дарёнинг ўртасидаги чегара қаердан ўтишини аниқлаш ниҳоятда мушкул. Канада Балиқчилик вазири Брайан Тобин эса: «Испанларнинг асир олинган «Эстай» кемаси текшириб кўрилганда маълум бўлдики, овланган балиқларнинг 79 фоизи ҳали балоғатга етмаган... Агар балиқ овловчилар шу тарзда кўр-кўрона ҳаракат қиладиган бўлсалар, яқин йилларда океанда балиқ қирилиб кетади», деди. Испанлар беш юз минг доллар кафолат пули тўлашиб, кемаларини асириқдан қутқариб олдилар. Аммо, европалик балиқчилар Канада соҳилларига яқин бормасликка ваъда берган бўлсалар-да, океан балиқлари «жаҳон халқларининг мулки эканини исботлаш даъвосидан воз кечганлари йўқ».

Хуллас, НАТО аъзолари ўртасидаги жанжал ҳам худди оға-иниларнинг «даҳанаки жанги» каби бир тараф ҳовуридан тушгунча давом этади, шекилли.

ЖАНУБИЙ ДАРВОЗА ХАВФ ОСТИДА

КЕЙИНГИ пайтларда Покистоннинг КАРАЧИ шаҳрида тез-тез қонли тўқнашувлар бўлиб турибди. Расмий маълумотларга қараганда, феврал-март ойида ҳар куни ўрта ҳисобда 10-15 киши ўлдирилган, ҳозиргача фожиали ўлган одамлар 1000 кишидан ортиб кетди, 10000 киши яраланди. Хўш, Карачида рўй бераётган қонли тўқнашувларнинг асл сабаби нима?

Кузатувчиларнинг фикрича, Афғонистон мужоҳидлари «чекланган совет қўшинларига ва сотқин миллий ҳокимиятга қарши» кураш олиб борган йилларда ватанпарварлар асосий қурол-аслаҳани Карачи порти орқали олардилар. Чунки, Карачи фақат Покистоннинг эмас, балки Марказий Осиё минтақасида жойлашган кўпгина мамлакатларнинг ҳам дунё океанларига чиқадиган жанубий дарвозаси ҳисобланади. Покистон, Афғонистон учун Карачидан бошқа йирик порт шаҳри йўқ. Халқаро савдо-сотиқ алоқалари асосан Карачи шаҳри орқали амалга оширилади. Афсуски, афғон мужоҳидларига мўлжалланган қурол-яроқларнинг бир қисми Карачи шаҳрида ҳаракат қиладиган турли тоифадаги жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтиб қолган экан. Эҳтимол, улар қурол-яроқларни харидор топилса, қимматроқ пуллашни режалаштиргандир, аммо Афғонистондан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилгач, қурол-яроққа эҳтиёж кескин камайди. Шу сабаб қурол иш берадиган жиддий муаммолар кун тартибига қалқиб чиқди. Бундан 15 йил муқаддам Карачида яшайдиган муҳожирлар билан маҳаллий аҳоли ўртасида қонли тўқнашув рўй берган эди. Кейин келишмовчиликлар ҳаминқадар ҳал қилинди. Лекин, ўша пайтда келишмовчилик ўчоғи узил-кесил бартараф этилмади. Яъни 1947 йили Покистон мустақил давлат сифатида Ҳиндистон таркибидан ажралиб чиққач, урду тилида сўзлашадиган ҳиндистонлик мусулмонлар Карачига кўчиб ўтадилар. Улар сон жиҳатдан баъзи шаҳарларда кўпчиликни ташкил этсалар-да, аммо тенг ҳуқуқли фуқаро мақомига эга эмаслар, фақат муҳожир ҳисобланадилар - давлат бошқарувида деярли иштирок этмайдиган, сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар. Демак, муҳожирлар ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан ҳам фойдалана олмайдилар. Улар муқим даромад манбаига ҳам эга эмаслар, қашшоқ ҳаёт кечирадилар. Қашшоқлик кишиларни жиноят кўчасига бошлаши турган гап, албатта.

Покистон ҳукумати ҳозир Карачи муаммосини ҳал этиш чоратадбирларини қидиряпти. Беназир Бухутто ҳукуматига муҳолиф бўлган партиялар эса: «Ҳукумат ўз ишини билмайди, шунинг учун улар истеъфога чиқиши керак!» деб талаб қилаётир.

ЯЛЛАМА ЁРИМ...

СОБИҚ СССР даврида пўкакдек юзага қалқиб чиқиб қолган муаммолар собиқ «совет халқи»нинг тинкасини қуритяпти. Лекин собиқ СССРнинг собиқ Президенти Михаил ГОРБАЧЁВ ўз даврида жамғариб қўйган «сиёсий капитали»ни майда чайнаб еб ётибди. Яқинда Горбачёв Италиянинг курорт шаҳарларидан бири бўлмиш ГЕНУЯда навбатдаги мукофотни ўз қўли билан олди. Бу мукофотни Генуя университети таъсис этган бўлиб, «Европа халқлари» олдидаги алоҳида хизматлари учун Горбачёвга тақдим этилди. Мукофотни топшириш тантаналари пайтида Горбачёв қирқ дақиқа нутқ сўзлади ва: «Агар Русияда менинг сиёсатга қайтишим учун шарт-шароит пайдо бўлса, мен бундай имкониятдан фойдаланаман», деб аҳли кенгашни ишонтирди.

Қизиғи шундаки, халқаро анжуманда Горбачёвнинг эски дўсти Егор Лигачёв (Сиёсий Бюронинг собиқ аъзоси) ҳам иштирок этди. У ҳам қулай фурсатдан унумли фойдаланди, албатта. Демагог сифатида ном чиқарган Егор Кузмич бундай деди:

-Мен Горбачёв билан беш йил давомида бир марта ҳам учрашмаган эдим. Лекин бизни Генуяга олиб келган самолётда биз узоқ суҳбатлашдик. Энди ишонч ҳосил қилдимки, биз кўп масалаларда ҳамфикр эканмиз... Горбачёвнинг ўзи компартия сафига қайтишни истамайди, аммо биз билан яқин ҳамкорлик қилишга тайёр турибди...

Қайта қуриш йиллари сиёсий маҳбус сифатида азоб тортган Сергей КОВАЛЁВ Генуяда топишган раҳбарлар тўғрисида:

-Ислоҳотни амалга оширган кишилар Кремль ва Эски майдон миқёсида фикр юритишарди, холос. Горбачёв ва унинг командаси мамлакатда нима бўлаётганини билмасди. Улар халқ билан алоқа ўрнатишга қанчалик уринмасинлар, лекин охирги дамларгача бундай алоқа ўрнатилмади, деди. -Лекин Горбачёв даврида бизга сўз эркинлиги билан қуролланган, замонавий цивилизация қадриятларини ҳурмат қилишга ўргатадиган жамият мерос қолди...

С.Ковалёвнинг гапларида жон бор. Лекин ижтимоий-сиёсий ислоҳотни боши берк кўчага киритиб қўйган собиқ раҳбарлар дунё бўлиб «Яллама ёрим...» қилиб юришни камайтирсалар яҳши бўларди.

Н.БОҚИЕВ, шарҳчи.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Очиқ дераза». Мультфильм.
18.20 «Ишбилармон».
18.45 «Турон тулпорлари».
19.00 «Йигирма биринчи аср бўсағасида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санъатга пайванд дилар». Концерт.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Бу шундай даргоҳки...». Халқаро театр кунига бағишланган кўрсатув.
23.20—23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Маънавий камолот».
19.20 «Ҳамшаҳарлар» видеоканали:
— «Юзма-юз».
— «Оқ қутича».
— «Менинг маҳаллам».
21.20 — 23.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Одерда баҳор». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Халқаро танлов совриндори Татьяна Абиякий куйлайди.
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 «Совға».
20.25 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео—«О».
23.20 Эълонлар.
23.30 «Курьер».
23.45 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.55 «Постфактум».
00.10—00.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Сиз кимсиз?».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.55 «Спорт уик-энди».
21.15 «Театр+ТВ». Халқаро театр кунига бағишланади.
22.05 — 22.20 Катталар учун мультфильмлар.

СЕШАНБА, 28

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Самсон ва Салли». Мультфильм.
9.00 Немис тили.
9.30 «Ислоҳот ва муаммо».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 Камер куйларидан концерт.
11.00 «Арзанда эмас — пазанда бўлинг!».
11.30—12.00 «Мавсум тараддуди».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Кичкинтойлар учун. «Доно бобо даврасида».
18.45 Шеърий дақиқалар.
18.55 «Тадбиркорлик йўлида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дўстлар даврасида». Эстрада тароналари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Трактор».
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25—23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Биздан озод ва обод Ватан қолсин».
19.40 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.
19.55 «Имконият излаб».
20.25 «Уорднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Колумб кашф этган диёр».
21.30 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.40 «Бизнес-банк».
22.55—23.35 «Флорида». Мусиқий видеофильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30—8.00 «Тонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.50 Аёллар ҳаётидан тўрт воқеа. «Луиза. 70-йиллар». Бадиий фильм (Италия).
22.25—22.50 «Гол».

ЧОРШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Оҳанглар оғушида». Кинодастур.
8.40 Алифбо сабоқлари.
9.10 «Оламни асранг!».
9.40 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.10 «Наврўзимни куйлайман».
10.40 «Маънавият» видеоканали.
12.40 — 13.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
18.20 Спорт хабарномаси.
18.30 «Аёл борки, олам мунаввар».
19.05 «Бир жуфт қўшиқ». Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Навоийхонлик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениеси да вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Самарқанд вилояти.
22.10 «Еш аёл учун эркак». Бадиий фильм.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради,
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Бумеранг».
19.30 «Жонли тил».
20.30 «Абадий қадриятлар».
21.00 — 22.40 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Каратэ-до бўйича «Наврўз-95» халқаро турнири.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Ватан ҳимоячилари».
*
«ОМАД» таништиради:
20.40—23.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30—8.00 «Тонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 Халқ куйларидан концерт.
19.10 «Ёдингдами, дўстим»...»
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Монолог».
20.55—22.50 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш ўйини. Россия — Шотландия терма командалари.

ПАЙШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Болалар учун фильм. «Қуёш ҳамёнда».
9.10 «Бола бошидан...».
9.50 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
10.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти.
11.10 — 13.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.55 «Аҳвол қандай, чемпион?».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Ой бориб, омон қайтганлар». Зоҳиджон Обидов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Бош мезон».
22.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова куйлайди.
22.55—23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин».
19.25 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.45 «Теле-ателье-шоу».
19.55 Видео янгиликлари.
20.20 Янгиликлар.
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50—23.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Замандас» (қозоқ тилида).
22.25 «Спорт-тайм».
22.55—23.35 «Сизга таъзим».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30—8.00 «Тонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Сиз кутган учрашувлар». Л. Смирнова.
19.20 «Москва, Кремль».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40—22.30 Кино асри. «Амакиваччалар» (Франция, 1975 й.).

ЖУМА, 31

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Болалар учун фильм. «Соат занг урар экан».
9.15 Немис тили.
9.45 «Халқ фаровонлиги йўлида».
10.05 «Китоб ва ҳаёт».
10.40 Ёш ижрочилар концерти.
11.10—13.10 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қувноқлар даврасида».
18.35 «Фан уфқлари».
19.00 «Хазинамиз таянчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сўзана ва чинни буюмлар». Телефильм.
20.10 «Одобнома».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ҳофизлар хониш қилганда...».
22.15 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Шри-Ланка.
22.45—23.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Телефильм.
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Шифокор билан мулоқот».
20.40 «Бу бўстон аро...».
21.10 «Транспорт ва йўловчи».
21.40—22.50 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Каратэ-до бўйича «Наврўз-95» халқаро турнири.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Ўлкамиз ҳаётидан».
*
«ОМАД» таништиради:
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
20.35 Эълонлар.
20.40 «Панорама».
21.10 «Америка юлдузлари». Кинодастур.
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45—23.25 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30—8.00 «Тонг».
***
17.40 «Электрон буви». Телевизион бадиий фильм.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.00—22.00 «Детективлар клуби»да. «Машҳур детективлар». Телевизион бадиий фильм. 6-фильм — «Сирли миссия» (Франция).

ШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Аския». Телефильм.
8.45 «Қувноқ стартлар».
9.45 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
12.15 Болалар учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
12.45 — 13.45 «Ёшлик» студияси. «Гап йўқ».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтоймиз — ги-жингтоймиз».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.45 «Экран хандаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Янграсин шўх яллалар». Концерт.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ҳожибой Тожибоев ҳанжомалари.
22.10 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Шри-Ланка.
22.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.50 «Тунгу ёгду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.15 —18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Акс-садо».
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.40 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.00 «Гладиаторлар». Спорт шоу дастури.
22.45 «Кинематограф».
00.25 «Хотима».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10. 00 «Ўзим ҳақимда».
10.30 «Қалбим ҳарорати». Картер Малик.
11.00 — 11.45 «Саломат бўлинг!»
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва...»
19.30 «Безнен мирас» (татар тилида).
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Айчурек» (қиргиз тилида).
21.15 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида».
21.55 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.05 «Цейтнот».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 — 22.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.50 Пьер Ришар «Эгизаклар» бадиий фильмида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Оқ тўти» клуби. 1 апрель ҳазиллари.
21.25 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал премьераси. 1-серия.
22.25 — 23.05 «Оба-на».

ЯКШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Т.Миннуллин асари. Х.Валиуллин, Н.Халилов мусиқаси.«Дилафрўзга тўрт ошиқ». Мусиқий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Шоҳруҳ» клуби.
11.00 «Ижодкор портретига чизгилар».
11.40 «Бугун — Геологлар куни». Кўрсатув ва концерт.
12.40 «Зиё».
13.45 — 14.15 «Жаҳон жанговар санъатлари».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
18.35 «Санъат олами».
19.05 «Ойнаи жаҳонда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўзбекистоннинг жонли «кумуши». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.20 «Сумалак» ансамблининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Шри-Ланка.
22.05 ЎзТВ ҳазинасидан. «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм.
23.40 — 00.10 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин».
10.55 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Видео янгиликлари.
11.50 Янгиликлар.
11.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 «Кинонигоҳ».
14.20 — 14.40 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
***
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «

✦ ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ ✦

ГАЛАБОТИРДА КЎПКАРИ

ЎРТАЧИРЧИҚ. Тумандаги «Истиқбол» жамоа хўжалигида Наврўзи олам муносабати билан халқимизнинг севимли томошаси-чавандоз йигитларнинг энг севган машғулоти кўпкари бўлиб ўтди. Унда ўртачирчиқлик чавандозлардан ташқари Пискент, Қибрай, Паркент, Олмалиқ, Оҳангарон каби бир қатор туманлардан ҳамда Жанубий Қозоғистондан ташриф буюрган полвонлар ҳам от сурдилар. Анъанага кўра улоқ ўйини бошланишидан олдин от чоптириш пойгаси бўлди. Унда қибрайлик Сулаймон полвон Аҳмедов биринчи бўлди ва 300 сўм мукофот олди. Кўпкарининг қизиқарли ўтиши учун хўжаликлар, ташкилотлар ва ўртачирчиқлик улоқ ишқибозлари ўз маблағларидан совринлар ажратдилар. Жумладан, туман хўжаликлари 21 минг сўм, ташкилотлар 22 минг сўм, «Янги тўлқин» жамоа хўжалиги битта туя, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги 1 та от билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Қизғин ўтган беллашув якунига кўра бўстонлиқлик полвон — Тўрабек Дўйчиев ғолиб деб топилди. Оҳангаронлик Қудрат Кенжабеков ҳамда Жуман Мамбетбоевлар иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиблар муносиб тақдирландилар.

У. ҲАМИДОВ

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ ДЕБ ТОПИЛДИ

ҚИБРАЙ. Туман «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик танловида биринчи ўринни эгаллади. Куни кеча Дўрмон жамоа хўжалигининг маданият саройида халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси вакиллари билан туман меҳнаткашларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда жамғарма раиси Юсуф Шодиметов учрашув қатнашчиларига табиатни муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини яхшилашга туманда етарли эътибор берилаётганлигини мамнунлик билан таъкидлади.

Шундан сўнг халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси саломатлик автокарвони келтирган, умумий қиймати 300 минг сўм бўлган турли туман ноёб дори-дармонлар соғлиқни сақлаш муассасаларига топширилди.

Йиғилишда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати А. Йўлчиев қатнашди.

А. ФОЗИЛОВ.

«НАВРЎЗ ТАРОНАЛАРИ»

ПАРКЕНТ. Тумандаги «Қорақалпоқ» қишлоқ маданият уйининг «Лапар» фольклор-этнографик ансамбли ижодий жамоаси турли хўжалик, корхона ва ташкилотларда «Наврўз тароналари» деб номланган янги концерт томошасини намойиш этмоқда. Ота-боболаримиздан мерос қолган маросим қўшиқлари, қадимий наволардан иборат янги дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Самиғжон Умаров саҳналаштирган. Унда Наврўз, Навбаҳор гўзаллиги, бетакрорлиги тараннум этилади. Қадимий қўшиқлар, ўзига хос рақслар ижро этилиб, миллий урф-одатларимиз саҳна кўринишлари орқали намойиш этилади. Айниқса кўкламги уруғ сепиш, биринчи ёмғир, сумалак саҳналари томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

ХОРИЖЛИК МЕҲМОН ҚУТЛАДИ

Американинг Осиёга беғараз ёрдам инвестиция компаниясининг таълим бўйича директори Брайан Р. Меруси умр йўлдоши ва икки ўғли билан наврўз айёми куни Чиноз туманидаги Турсуной Охунова номли 27-ўрта мактабда бўлиб, тантана иштирокчиларини самимий қутлади.

— Сизнинг азалий байрамингиз мазмуни билан танишман, деди у йиғилганлар олдида сўзлар экан, — илгарилари Самарқандда ҳам ишлаганман. У ерда бу файзли, улуғвор ёшариш шодиёнасининг гувоҳи бўлганман. Чиндан ҳам халқчил ва гўзал тантана. Шуни ҳам айтайки, бир ўғлим Самарқандда туғилган. Унинг иккинчи исми Жўрабек. Оилада шу ном билан чақирамиз. Бугун сизларнинг мактабингизда меҳмон бўлиб турганимиздан беҳад ҳурсандмиз.

Тантанада байрам қатнашчилари номидан хорижлик меҳмонларни Чиноз тумани ҳокими муовини Т. Оллоберганова, мактаб директори У. Мирахмедовлар наврўз билан табриклаб, уларга совғалар топширдилар.

Брайан Р. Меруси мактабда инглиз тили мукаммал ўргатилиши учун бундан буён ҳар томонлама ёрдам бериб боришини билдирди.

О. МАЪМУРОВ

«ИЖОДКОР»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтиш муносабати билан Янгийўл ғишт заводи бошқармасида бўлиниш юз берди. Бу ерда «Ижодкор» ғишт заводи мустақил хўжалик сифатида ташкил топди. Ўз касбининг устаси, ишбилармон У. Маҳмудов бош бўлган ушбу корхонада кунига 70 минг дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Албатта бу ерда сон кетидан қувиб, сифат унутилаётгани йўқ. Корхонада тайёрланаётган аъло сифатли маҳсулотнинг 30 фоизи давлат буюртмаси асосида, қолганлари эса эркин савдо учун ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса хазилакам даромад эмас. Албатта, «Ижодкор»га келаётган бундай даромаднинг катта қисми ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам қилмоқда. Жумладан корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик ишчиларни доимий равишда гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб бориш имконини бермоқда. Шунингдек хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тикув цехи очиш ҳам мўлжалланган. Бу билан иш қўлами янада кенгайди, қўшимча 100 та янги иш ўрни очилади. Энг асосийси корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўз ишчиларига имтиёзли нархларда сотилади. Албатта, кам даромадли оилалар, фахрийлар бундай имтиёздан биринчи навбатда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бир сўз билан айтганда корхона жамоаси тўғри йўлдан бораётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти.

А. РАИМОВ.

✦ ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ ✦

ГУЛДЕК ЗЕБО

Кел, марҳабо, Наврўзим,
Хуш-дилрабо, Наврўзим.
Иболи келинчакдай —
Гулдек зебо, Наврўзим.

Ризқимиз бут сен билан,
Барака-қут сен билан.
Дардлар унут сен билан —
Сенсан — Ҳумо, Наврўзим.

Қўш ҳайдаю қўш ҳайда,
Гул ҳуснингга эл шайдо.
Бундайин даврон қайда —
Шарқий сабо, Наврўзим.

Кўкда рангин камалак,
Қозон тўла сумалак.
Қизлар сочи жамалак —
Сим-сим хино, Наврўзим.

Ташрифинг омон-омон,
Ёмонлар ўзи ёмон.
Дориломон — бу замон —
Умри бақо, Наврўзим.

Ортда қолгай кўргулик,
Хуш айёмсан — мангулик.
Гўё қуёш дегулик —
Нурдай аъло, Наврўзим.

Ё дўст, Олло, ҳақ — Олло,
Сенга пешвоз халқ, илло.
Тузди шоир Абдулло —
Шеърий наво, Наврўзим!!!

Абдулло ТУРДИЕВ.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Наврўз

БЕКОБОД ШАҲРИ

Шаҳар аҳли энг шукуҳли ва гўзал байрам-Наврўзи оламни зўр тантана билан нишонлади. Шу куни шаҳар марказидаги истироҳат боғи ва бош майдонда, марказий ўйингоҳда турли томошаларни кўриб, дам олдилар. Тошкентдан ташриф буюрган «Наво» ансамбли ва шаҳар бадиий ҳаваскорлари улар хизматида бўлдилар.

Шаҳардаги Ёшлар уйида 500 дан ортиқ кам таъминланган оилалар, қаровчисини йўқотганлар ва ногиронлар учун ош тортилди. Шу куни 13-даҳадаги 4 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи Наврўз шодиёналари билан биргаликда нишонланди. Улар истиқомат қилувчи маҳалла қўмиталари 300 сўмдан шаҳар ҳокимлиги эса 1000 сўмдан пулни тўй болалар учун ажратди. 32 та маҳалла орасида ўтказилган «Кимнинг сумалаги энг тотли» танловида эса «Фарҳод» маҳалласи ғолиб чиқди.

БЕКОБОД ТУМАНИ

Байрам 20 март куни эрта тонгда Зафар қўрғонида халқ сайли билан бошланди. Туман ҳокими М.Расулов туман аҳли ва меҳмонларни улуғ айём билан муборакбод этиб эзгу-тилаклар билдирди. Тумандаги ночор оилалардан 200 нафари байрам муносабати билан йўқланиб, уларга совға-саломлар топширилди. Бунинг учун тумандаги корхоналар, ташкилотлар, кичик корхоналар маблағ ажратдилар.

Туманда истиқомат қилувчи ўндан ортиқ миллат вакиллари ҳам тинчлик ва тотувлик, дўстлик байрамини биргаликда нишонладилар. Жумладан, бу ерда қозоқ оқинларининг ўланлари янгради, корейслар ўзларининг севимли рақсларини ижро этдилар, тожик ва қирғизлар ўзбек оғалари билан биргаликда Наврўз ошини, сумалак ва халимларни баҳам кўрдилар. Туман маданият уйининг «Зафар тароналари» дастаси турли миллат куй ва қўшиқларидан ибрат катта байрам дастурини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Зафар қўрғонидаги янги ўйингоҳда турли спорт мусобақалари ниҳоятда қизиқарли ўтди.

АНГРЕН

Шаҳар ҳокимлиги меҳр-мурувват айёми муносабати билан икки нафар ангренлик ногиронга махсус аравачалар тақдим этди. Яна 7 нафарига ҳам ана шундай мурувват кўрсатилади. Шаҳардаги болалар уйи тарбияланувчиларидан бир гуруҳи айни кунларда Кумушконда дам олиб, саломатликларини ҳам тикламоқдалар. Дам олишдан қайтганларидан сўнг уларга суннат тўйи қилиб бериш режаси бор. Умуман ангренликлар Наврўз байрамини катта шодиёналик билан ўтказдилар. Унинг тантаналари шаҳарнинг барча жойларида давом этмоқда.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

Байрам куни туман маркази Гулбаҳор қўрғонида 20 га яқин хўжалик, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдо кўргазмаси ташкил этилди. Харидорлар бу ердан ўзлари учун зарур қишлоқ хўжалик ва саноат молларини арзон нархларда харид қилиш имконига эга бўлдилар.

Тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун катта дошқозонда ош дамланди. Кам таъминланган оилалардан 150 нафарига гўшт тарқатилди. Наврўзи олам муносабати билан янги боғ ташкил этилганлиги, айниқса, хайрли ишлардан бири бўлди.

ҚУЙИЧИРЧИҚ

Дастлаб тумандаги 18 та хўжаликда Наврўз катта тантана билан нишонланди. Байрам куни эса туман марказида ана шу хўжаликлар ва 20 та ташкилот меҳнаткашлари билан бирга катта халқ сайли бўлиб ўтди. Турли спорт мусобақалари уюштирилди. 1600 та оғир шароитда яшовчи оилалар учун 320 минг сўмлик озиқ-овқат ва кийим-кечаклар тарқатилди. Наврўз муносабати билан ўтказилган шанбаликдан тушган маблағ ҳисобидан, қаровчиси йўқ 250 қарияга ёрдам кўрсатилди. Туман марказида бўлиб ўтган тантаналарда яна айём иштирокчиларига ош тортилди, халим, сумалаклар тарқатилди.

Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай наволари туман аҳлини халқ сайлига чорлади. Айёмни Зангиота тумани ҳокими Ҳ. Нурматов очиб, барчани Наврўз байрами билан қутлади. Бадиий ҳаваскорлар ранг-баранг куй ва қўшиқларни ижро этиб барчани хушнуд этдилар. Айниқса, Бўзсув жамоа хўжалиги ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ўз чиқишлари билан байрамга файз киритдилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари ташкил этган савдо кўргазмасидан туман аҳли арзон нархларда зарур молларни харид қилдилар.

Суратларда: Зангиота туманида бўлиб ўтган байрам шодиёналаридан лавҳалар.

Д. АҲМАД олган суратлар.

БАХТ ВА ШОДЛИКНИ КУЙЛАБ...

Зангиота тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжилигидаги 9-мактабда ўтказилган Наврўз тантанаси элимизнинг ардоқли шоираси, муҳаббат ва баҳор куйчиси Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишланганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Кечани очган мактаб директори Холида Исмоилова йиғилганларни халқимизнинг қадимий ва миллий байрами билан муборакбод этди ва шоиранинг ҳаёти, ижоди ҳақида сўзлаб берди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Эшонхўжаев эса Наврўзимизнинг тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўла маълумот берди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси номидан қутлаш учун келган Адолат Носирова Наврўз жамғармасига қўмита томонидан ажратилган маблағни топширди. Кечада Зулфия ҳамда унинг умр йўлдоши, доимий ҳамфикри, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжоннинг баҳор, гўзаллик, Ватан ҳақидаги шеърлари янгради. Шунингдек, шодиёнага ташриф буюрган шоира Нилуфар, шоир Усмон Азимовлар янги шеърларидан ўқиб бердилар, таниқли санъаткорлар Хожиакбар Ҳамидов, Саида Раметова ўз санъатларини намойиш этдилар.

Тадбир давомида туман ҳокими муовини Облоқул Жўраев «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бош агрономи Дадақўзи Каримовга «Шуҳрат» медалини, юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳига эса янги паспортларни топширди.

Мая ОБИДОВА

БАҲОРГИ ТАЪТИЛ ТОҒДА...

Шу кунларда вилоятимиз шаҳарлари ва туманларидаги болалар уйларида тарбияланувчиларидан 250 нафари баҳорги таътилни Кумушкон соғломлаштириш марказида ўтказмоқдалар. Бу дам олишнинг ташаббускори вилоят касаба уюшмалари кенгашидир.

Кумушкон соғломлаштириш маркази Чоткол тоғ этакларидаги энг хушманзара табиат қўйнига жойлашган. Ёшлар таътил кунларида ҳордиқ олиш билан бирга саломатликларини ҳам тиклайдилар. Уқалаш, сув-нур билан даволаш муолажалари, хилма-хил шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонларни қабул қиладилар. Ундан ташқари турли маданий тадбирларда иштирок этадилар. Дискотекалар уюштирилади. Видеосалон уларнинг ихтиёрида бўлади. Спорт мусобақаларида қатнашадилар.

Ўғил-қизларнинг чор-атрофдаги табиат ошёнларига, шу жумладан Чоткол қўриқхонаси, «Қуёшли объекти», Ҳисарак қишлоғи ва бошқа жойларга қизиқарли саёҳатлари уюштирилади.

— Келажагимиз эгаларининг яхши хордиқ чиқаришлари ва даволанишлари учун пухта тайёргарлик кўрганмиз,— дейди «Кумушкон» соғломлаштириш марказининг директори Давлат Аҳроров,— Касаба уюшмалари етим болалар ҳақида шунчалик ғамхўрлик қилган экан биз ҳам шу савобли ишга муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Ўйлаймизки, болалар Кумушкондан мароқли дам олиб қайтадилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

ЁШЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАДИ

— БУ йилги баҳор, гўзаллик байрамига Тошкент Давлат аграр университети жамоаси ҳар қачонгидан ҳам алоҳида тайёргарлик кўрди, — деди биз билан мулоқотда университетнинг тарбиявий ишлар бўйича проректори Адиба Аҳмаджонова, — «Ассалом Наврўзи олам» дастури тайёр бўлгач, тантанани олиб борувчилар Ақида Жўраева, Жамолиддин Жўраев, Ёқубжон Сайдалиев, Гулчеҳра Ёқубовалар бир неча кун давомида ўзлари ёд айтадиган матнларни, шеърларни машқ қилишди. Қўшиқчи Исроил Давронов, билим даргоҳининг «Гулшан» бадиий дастаси раққосалари, жарчилар, дон сепувчи деҳқонбобо ҳамда «Наврўз» тимсолидаги мактаб ўқувчиси Маҳфуза Илёсоваларнинг ижрочилик маҳоратлари ҳам кўп бора кўрикдан ўтди.

Олий ўқув юртида тайёргарлик бўйича олиб борилган ҳаракатлар зое кетмаганлиги айём кунида яққол кўзга ташланди. Бош майдон узра эрталабданоқ карнай-сурнай садолари янгради, байрамона безатилган саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар савдо расталари, ошхоналар иш бошлади. Факультетлар талабалари устозлари раҳбарлигида ўзлари учун белгиланган жойларда сафландилар.

Байрамга ташриф буюрган ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ҳам улар ёнидан жой олдилар. Тантана иштирокчиларини университет ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академиги Э. Т. Шайхов табриклади.

— Азиз меҳмонлар, қадрли талабалар, — деди Эркин Турдиевич,— бу йилги Наврўз айёми республикамиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи буюк воқеалар билан уйғунлашиб кетди. Яқинда бўлиб ўтган республика Олий Мажлиси сессиясидаги Президентимиз маърузалари бахш этган келажакка ишонч руҳи, эртага ўтадиган умумхалқ референдумида фаол қатнашиш туйғуси университетимиз жамоаси қалбини она юртимизга муҳаббат, ифтихор туйғуларини қалбимизда жўшдирмоқда. Айни пайтда бу тарихий воқеалар малакали, маънавий баркамол мутахассислар тайёрлаш борасида зиммамизга катта масъулият юклайди. Бу эса талабалардан билимларни чуқурроқ эгаллашни, ўқитувчилардан ўзларига бўлган талабчанликни янада оширишни тақозо этади. Биз Наврўз айёмини ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда кутиб олаётганлигимиз қувончлидир. Ҳамма-гизни ёшариш, нафосат айёми билан қутлайман.

Тантана иштирокчиларини турли миллатга мансуб бўлган талабалар ҳам қутлашди. Кейин Наврўз куйлари қўшиққа уланди, рақслар авжга чиқди. Куннинг иккинчи ярмида шодиёналар факультетларда давом этди.

С. ҲАСАНОВ.

АВИАТОРЛАР ЮМУШИ ҚЎПАЙМОҚДА

Шарқнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланган Тошкент аэропортида ҳаво кемаларига хизмат қилувчи авиаторлар Наврўзни муносиб нишонладилар. Катта тўқин дастурхон атрофига таклиф этилган турли миллат вакиллари баҳор байрами нашидасидан бахраманд бўлдилар. Аэропорт бош раҳбари ўринбосари Илгиз Беглов, штаб бошлиғи Тельман Хаитов, йўловчилар ташиш хизмати бошлиғи Акбар Тешабеков, ходимлар бўлими бошлиғи Зиёвуддин Илҳомов йиғилган кекса авиаторларни табриклаб, уларга гуллар ва совғалар топширдилар. Байрамнинг ўйин-кулгили шодиёнасига ранг-баранг тансиқ таомлар ўзгача файз бахш этди.

Аэропорт фаолияти баҳор келиши билан яна қизғин тус ола бошлади. Ҳар куни уч мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиляпти, 50-60 тонна юк ташилмоқда.

А. ПЎЛАТОВ.

Аждодлар хазинасидан

ҚАЛДИРҒОЧ

НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ кемаларида уч нарса: мушук, сичқон ва қўнғиз йўқ эди. Бирдан улар пайдо бўлди... Сичқон чопа-чопа кемани тешди ва сув боса бошлади. Ҳамма эс-ҳушини йўқотди... Худога ялиниб-ёлвордилар. Ҳамма бирдан ҳитоб қилди: — Бу сичқоннинг иши! «Йўлбарснинг пешонасини сила!» деган нидо келди. Йўлбарснинг пешонасини силаган эдилар бурнидан мушук тушиб, сичқонни қувлай кетди ва тутиб еди.

Шундан сўнг Нуҳ алайҳиссалом деди:

— Бирон нарса топилса кеманинг тешигини беркитар эдик.

Илон деди:

— Борди-ю, хизматни мен бажарсам мукофотига нима берасиз?

Нуҳ алайҳиссалом деди:

— Нима тиласанг, шуни берамиз.

Илон деди:

— Ниманинг гўшти ширин бўлса шуни берасиз.

Нуҳ алайҳиссалом қабул қилди.

Илон кеманинг тешик жойини топиб, унга халқа бўлиб ётди. Сув тўхтади. Кема ичига кирган сувни сочиб битирдилар, тешикни бўлса мум билан беркитиб хотиржам бўлдилар. Кема йўлида равона бўлди... Олти ой денгизда юрдилар.

Кемадан тушганларидан кейин илон келиб деди:

— Э, Нуҳ, энди ваъдангизни бажаринг!

Нуҳ алайҳиссалом арига буюрди:

— Бориб ҳамма нарсанинг гўштини тотиб кўр, қайсисиники ширин бўлса илонга берайлик.

Ари бориб одам гўштидан ширини йўқлигини аниқлаб қайтиб келаётганда қалдирғочга дуч келди. Қалдирғоч қизиқиб сўради:

— Ниманинг гўшти тотли экан?

— Одамнинг гўштидан ширини йўқ экан, — деб жавоб қилди ари.

Қалдирғоч деди:

— Э, биродар, қани тилингни чиқар-чи, мен ҳам бир татиб кўрай.

Ари тилини чиқарган ҳамоно қалдирғоч уни «чирт» этиб узиб олди. Ари соқов бўлиб қолди ва ғиғиллаганча Нуҳ алайҳиссаломнинг ҳузурига борди. Қалдирғоч унинг кетидан борди. Аридан қанчайин сўрамасинлар, бирон жавоб қилолмади ва ғиғиллаб қалдирғочга термулди холос.

Қалдирғоч Нуҳ алайҳиссаломга деди:

— Ари биёбонда менга учраб, «Бақа гўштидан лаззатлиси йўқ экан» деганди.

Шундан кейин Нуҳ алайҳиссалом илонга бақани буюрди. Ўшандан бери илон топса бақани, топмаса тупроқни еб кун кечирар экан. Илон қалдирғочнинг одам боласига яхшилик қилганини билиб, у билан ёвлашиб қолгани ҳам асли шундан...

Носириддин Бурхониддин ўғли РАБҒУЗИЙ.

СПОРТ

БОКС БЎЙИЧА БАҲС

Тошкентдаги «Алпомиш», спорт саройида профессионал боксчилар ўртасида биринчи республика чемпионати бўлди.

— Мамлакатимизда профессионал бокс федерациясини тузиш ва профессионал боксчилар ўртасида биринчи чемпионатни ўтказишни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган, — деди республика бокс федерациясининг раиси, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов. — Ҳозир мураккаб даврда яшаяпмиз. Шу боисдан кўп спортчилар турли сабабларга кўра ўз имкониятларини рўёбга чиқармай, боксни ташлаб кетмоқда. Бокс фахрийларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қодир бўлган махсус жамғарма ҳам йўқ. Сўнгги йилларда бокс соҳасига ёшларнинг кириб келиши анча камайгани айниқса ачинарлидир. Назаримда, бокс мард кишилар шуғулланадиган спорт. Республикада профессионал боксниг ривожланиши ана шу муаммоларни ҳал этиши лозим. Ҳомийларимиз — «Атрейн», «Ўзбек ксерокс»,ДЭУ», «Ал-Машриқ», «Рибок» фирмалари ва «Голландия гуллари» қўшма корхонаси ёрдами туфайли профессионал боксчиларнинг биринчи мусобақасини юксак савияда ўтказишга, етарли даражада салмоқли соврин жамғармасини таъсис этишга муваффақ бўлдик.

Э. Абдураҳмонов, Р. Тўлаганов, Ф. Бакиров, Ф. Арслонов, М. Китобов ва И. Парпиев олти хил вазн тоифасида Ўзбекистоннинг биринчи профессионал чемпионлари бўлдилар. Ғолибларнинг ҳаммасига «Олтин» камар берилди, улар пул мукофотлари ва ҳомийларнинг махсус совғалари билан тақдирланди.

(ЎзА мухбири).

«ЛУЧ» ФИРМАСИ
энг арзон нархда олий дон бошоғидан тайёрланган
СПИРТ
СОТАДИ
Нархи арзонлаштирилиши мумкин.
Телефонлар: 50-03-76, 50-46-04, 21-48-67, 47-71-82, 78-19-83, 78-90-83 соат 9 дан 18.00 гача; 21-41-58, соат 12 дан 23.00 гача.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0101. 19315 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.15 1 2 3 4 5 6